

Мисвар ибн Махрома ва Марвон ибн Хакамлар айтади: Фатх сураси бошидан охиригача Макка билан Мадина орасида Худайбия иши хакида нозил бўлгандир.

**1-3 оят.** «(Эй Мухаммад), токи Аллох сизнинг гунохларингиздан илгари ўтган ва кейин кел(ади)ган нарсалар (барча гунохларингиз)ни мағфират қилиши учун ва сизга ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни Тўғри йўлга хидоят қилиши учун ҳамда Аллох сизга қудратли ёрдам бериши учун, дархакикат, биз сизга очик-равшан фатх – галаба ато этдик».

Анасдан: – Худайбияда биз билан (Хаж) ибодатимиз ораси тўсилиб, махзун холда қайтаётганимизда Аллох азза ва жалла .....ни нозил қилди. Шунда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Менга, дархакикат, бир оят нозил қилинди. У мен учун дунё ва ундаги ҳамма нарсадан кўра яхшироқдир», – дедилар.

Ато ибн Аббосдан: «Мен (қелажакда) на ўзимга ва на сизларга нима қилинишини билмасман» ояти нозил бўлганида яхудлар Пайгамбар Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) ва мусулмонларни масхара қилишиб: – Ўзига нима қилинишини билмайдиган кишига қандай қилиб эргашамиз? – дейишди. Бу нарса Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)га каттик таъсир қилди. Шунда Аллох таоло: «(Эй Мухаммад), токи Аллох сизнинг гунохларингиздан илгари ўтган ва кейин кел(ади)ган нарсалар (барча гунохларингиз)ни мағфират қилиши учун ва сизга ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни Тўғри йўлга хидоят қилиши учун ҳамда Аллох сизга қудратли ёрдам бериши учун, дархакикат, биз сизга очик-равшан фатх – галаба ато этдик», оятларини нозил қилди.

**5-оят.** «У мўмин ва мўминаларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритиш учун ва улардан ёмонлик – гунохларини ўчириш учун (уларнинг дилларини Ўзи буюрган, қофирларга қарши жиход қилиш қаби ҳукмлардан таскин-ором оладиган қилиб қўйди). Ва бу Аллох наздида улуг бахт бўлди».

Қутода Анасдан: «Биз сизга (Эй Мухаммад), токи Аллох сизнинг гунохларингиздан илгари ўтган ва кейин кел(ади)ган нарсалар (барча гунохларингиз)ни мағфират қилиши учун ва сизга ўз неъматини комил қилиб бериб, сизни Тўғри йўлга хидоят қилиши учун ҳамда Аллох сизга қудратли ёрдам бериши учун, дархакикат, биз сизга очик-равшан фатх – галаба ато этдик», оятлари нозил бўлганида Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг саҳобалари: – Эй Расулulloх, Аллох сизга берган нарсалар қутлуг бўлсин! Бизга нима бўлади? – дейишди. Шунда Аллох таоло .....ни нозил қилди.

Қутода Анасдан: – Ушбу «Биз сизга очик-ойдин галаба ато этдик» ояти Худайбиядан қайтаётганларида нозил бўлди. У кишининг саҳобалари махзун холда эдилар. Улар билан ибодатлари ораси тўсилган эди. Қурбонликларни Худайбиянинг ўзида сўйишганди. Ушбу оят нозил бўлгач, у киши асхобларига: «Дархакикат, менга бир оят нозил қилинди. У менга дунёнинг барча нарсасидан яхшироқдир, – дедилар. Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) шу оятни тиловат қилганларида, қавм орасидан бир киши: « Муборак бўлсин, эй Расулulloх, Аллох сизга нима қилинишини баён қилибди. Энди бизга нима қилинади? – деди. Шунда Аллох таоло ....ни нозил қилди.

**24-оят.** «У (Аллох) Макканинг ичида (яъни Худайбияда) сизларни уларнинг (Макка мушрикларининг) устига қолиб қилганидан кейин уларнинг қўлларини сизлардан,

сизларнинг қўлларингизни улардан тўсган (яъни ўрталарингизда сулҳ пайдо килган) Зотдир. Аллох килаётган амалларингизни кўриб тургувчи бўлган Зотдир».

Аназдан: – Макка ахлларида 80 киши қуролланган холларида Танъим тогидан Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг устиларига у киши ва асхобларга тўсатдан хужум килиш учун тушиб келди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) уларни асир олиб яна қўйиб юбордилар. Шунда Аллох таоло ..... оятини нозил килди.

Абдуллох ибн Мағфал ал-Хавний: – Биз Худайбияда Аллох Куръонда зикр килган дарахт ёнида Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) билан бирга эдик. Шу пайт бизга караб 80 та йигит қуролланган холида кела бошлади. Улар бирдан олдимизда пайдо бўлишди. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) уларга карши дуо килгандилар, Аллох уларнинг кўзларини кўрмас килиб қўйди. Биз уларга карши туриб, уларни ушладик.

Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) уларга: – Сизлар бирор кишининг буйруги билан келдингизми? Бирор киши сизларга омонлик берганми? – дедилар.

Улар: – Йўқ, – дейишди. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) уларни қўйиб юбордилар. Шунда Аллох таоло ..... нозил килди.